

ОЛИЙ ДАРАЖАДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини ошириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудлар даражасидаги самарали алоқаларни, фаол маданий-гуманитар ва таълим алмашинувини кенгайтириш мақсадида ўзаро мувофиқлашган ишлар ҳамда амалий идоралараро ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу маънода, жорий йилнинг кузида ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг иккинчи йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, унинг натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

“ГАЗПРОМ НЕФТЬ” КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Газпром нефть” компанияси бошқаруви раиси Александр Дюковни қабул қилди.

Россиянинг ушбу етакчи компанияси билан нефть-газ мажмуасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни тегишли “йўл харитаси”га мувофиқ ривожлантиришнинг истиқболли режалари кўриб чиқилди.

Геология-қидирув ишларини олиб бориш, мураккаб конларни ўзлаштириш, соҳани рақамлаштириш, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича қўшма чора-тадбирлар ва кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

МАҲАЛЛАЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг йил бошидаги биринчи қарори шу масалага қаратилган эди. 3 январда имзоланган мазкур қарорда соҳа идоралари учун 2025 йилда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш устувор вазифа этиб белгиланди ҳамда криминоген вазияти оғир маҳаллаларга масъул раҳбарлар номма-ном бириктирилди.

Ўтган олти ойда ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла бўйича манзилли “йўл хариталари” асосида ижтимоий профилактиканинг самарали тизими йўлга қўйилди, жамоат жойларини рақамлаштириш қамрови оширилди, ҳуқуқ-тартибот олий-гоҳлари томонидан илмий-амалий ўрганишлар ўтказилди. Алоҳида эътибор воғда етмаганлар, ёшлар, аёллар ва оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятчиликни жиловлашга қаратилди. Бунинг натижасида 5 минг 200 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир бўлмади.

Лекин криминоген вазияти оғир маҳаллалар ҳали ҳам бор. Профилактика инспекторлари, тезкор-қидирув, патруль-пост ва қўриқлаш хизмати фаолиятини кучайтириб, аҳоли хавфсизлигини жойларда таъминлаш шартлиги қайд этилди. “Бутун тизимни пастга” тушириб, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ҳолатлари кўп учраб турибди. Бунга қарши курашилаётган, зарарли воситалар ва лабораториялар йўқ қилинаётган бўлса-да, муаммо тўла бартараф этилмаган. Шу боис, видеокузатув камералари ва сунъий интеллектни қўллаб, гиёҳвандлик моддалари тарқалишини аниқлаш, манбасини таг-томири билан йўқ қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кундаги яна бир долзарб муаммо — кибержиноятчилик. Юртимизда йил бошидан буён содир этилган жиноятларнинг 42 фоизини шу “иллат” ташкил қилган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 30 апрелда имзоланган “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори долзарб аҳамиятга эга бўлди. Ундаги вазифаларни тўла амалга ошириб, кибержиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг бу борадаги билими ва огоҳлигини кучайтириш, тўлов тизимларида мижозларнинг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги айтилди.

Соҳа ходимларининг билим ва малакасини ошириш — замон талаби. Шу боис, Ички ишлар вазирлиги Академияси фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган. Жумладан, унга қабул

квотасини босқичма-босқич ошириш, янги йўналишлар очиб ва дуал таълимни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таълим ва малака дастурларини замонавий хавф-хатарларга мослаштириш, ходимларнинг жанговар ва руҳий шайлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ички ишлар тизими прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан узвий иш олиб бормоқда. Хусусан, республикадаги криминоген вазият кундалик таҳлил қилиниб, манзилли назорат тадбирлари ўтказилляпти. Ҳар бир жиноятнинг сабаблари ўрганилиб, қайта такрорланмаслиги чоралари кўрилмоқда. Муқаддам судланган ёки маъмурий назоратдаги инсонларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга қўмаклашилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ишининг ўзаро мувофиқлиги ва тезкорлигини кучайтириб, қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш, жиноятчиликни кескин камайтириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва қонун устуворлиги иқтисодиёт ривожини, аҳоли фаровонлигининг муҳим шартини экани таъкидланди.

ЎЗА

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ

ЁХУД ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҲАМКОРЛИК, ЎЗARO МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ МАСАЛАСИГА ОШКОРА НАЗАР

Буюк ўзбек йўли

Кўп минг йиллик жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, давлат қурилиши, бошқаруви, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар масаласида бир-бирига айна ўхшаган иккита мамлакатни топиш асло мумкин эмас. Ахир инсоният яратилгандан, давлатлар барпо этилгандан бери қанчадан қанча мамлакатлар, жамиятлар юзага келмади. Аммо тарихчи, сиёсатшунос ва бошқа ижтимоий-гуманитар олимларнинг бирортаси ҳам барча жиҳатлари билан бир-бирини такрорлайдиган давлатларни излаши бефойда.



Бу табиий ҳол. Чунки инсоният мавжудлиги, одамлар бахту саодати, фаровонлиги ҳар доим ҳам “шаҳс — жамият — давлат” учлиги, улар ўртасидаги муносабатлар мувозанатига боғлиқ бўлган. Мазкур мувозанат таъминланган жойда ҳар доим тараққиёт бўлган, одамларнинг розилиги ҳис этилган, унинг акси юз берган ҳолларда эса бўҳронли ҳолатлар, орта кетишлар содир бўлган. Бундай ҳолни дунёнинг ҳар бир мамлакатини тарихида кўриш мумкин.

Ана шунга ўхшаш ҳолатлар қадим тарих ва юқсак цивилизациялар маскани бўлган Ўзбекистонда ҳам кўплаб учрайди. “Инсон — жамият — давлат” учлигига қатъий амал қилган, улар ўртасидаги муносабатлар уйғунлигига эришишни мақсад қилиб қўйган даврларда мамлакатимиз ривож топди, аксинча, мазкур ҳолатдаги номутоаносиблик шахс норозилигига, жамият айнишига, давлат таназзулига сабаб бўлган.

► Давоми 3-бетда

НАМАНГАН — ТАДБИРКОРЛАР ЮРТИ, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС МАРКАЗИ



Фаол бир нуруний сифатида юртимизнинг гўзал шаҳару қишлоқларига сафарларим чоғида ёки Наманганга бошқа вилоятларимиздан келган меҳмонлар билан, умуман олганда, турли ёшдаги одамлар билан кўп мулоқотда бўламан. Кўпинча бундай суҳбатлар ўзаро танишувдан бошланади ва улар наманганлик эканимни билгани ҳамонқоқ аксарият ҳолларда бир хил савол билан юзланади: “Наманганда ишлаб чиқариш саноати Хитойдагидан ҳам ривожланиб кетган деб эшитамиз, шу гап ростми?”.

Уларга бошдан-оёқ разм солиб, “Кийим-бошингиз чиройли экан, ярашибди, қаерда ишлаб чиқарилган?”, деб саволига савол билан жавоб бераман. Суҳбатдошим юзига табассум югуради, “Наманганда ишлаб чиқарилган”, дейди.

Ҳа, кейинги йилларда вилоятимизда аҳвол буткул ўзгарди: одамларимизнинг турмуш тугуми, тадбиркорлик тафаккуридан тортиб, қилаётган ишига фидойилигича, таълим ва тиббиёт тизимидан тортиб, қишлоқ хўжалиги-ю қурилишларгача. Айниқса, ишлаб чиқариш саноатида аксарият

юртдошларимиз эътироф этаятганидек, том маънодаги “катта сакраш” юз берди. Мақтанишга йўйманг, ахир бундан саноқли йиллар олдин Наманган вилояти иқтисодий жиҳатдан ночор эди, дотацияда ўтирарди. Бугунги кундаги ҳолат билан у даврдагисининг ўртасидаги фарқ ер билан осмон қадарки, қисқа фурсатда қўлга киритилган катта натижалар, тараққиёт шиддатини ҳақли равишда “катта сакраш” десак муболага бўлмайди.

► Давоми 2-бетда

Бир ўлкаки... СЎРҲОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ҲАЁТ ТАРЗИ ЎЗГАРИБ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ОРТИБ БОРМОҚДА

— Журналист бўлсангиз, мана, бизни телевизорга олиб чиқинг-да! — деган овоз эшитилди орқа томондан. Ўғирлиб, “Кобальт”нинг орқа ўриндиғида ўтирган ўрта ёшлардаги оқ-сарикдан келган холага газетанда ишлашимни айтдим.

— Яхши-ку, расмим билан чиқарасиз. Ҳар эсимга тушганда ҳамсояларга кўрсатиб, мақтаниб юраман, — деди хола бўш келмай. — Мана, Президент томорқада ишланглар деяпти, ҳовлимизга уч қайта экин экиб даромад оляпмиз. Келинлар боласини боғчага бериб (илгари боғча дегани ҳам йўқ эди, ҳамсоямиз шунинг орқасидан тадбиркор бўлиб кетди)... Нима деётгандим? Ҳа, боғча очилгач, келинлар ҳам бемалол ишини қиялпти, вақтида дамини оляпти.



Шу пайт хола ҳеч қутилмаганда овозини баралла қўйди: “Вой ўлмасам, гап сотаман деб уйимдан ўтиб кетибман, тўхтанг”.

Машина тошйўлнинг четига чиқиб, тор-моз босди. Хола машинадан тушаётиб, тагин менга хитоб қилди: “Агар зўр мақола ёзаман десангиз, маҳалламизга келинг, хўпми? Бизда қаҳрамонлар кўп. Унгача тош кўчамиз асфальт бўлади”.

Хола ҳаммамизга хуш кайфият улашиб тушиб қолди. Аввалига холанинг самимияти, сўнг у бошлаб берган мавзу — Сурхондарёдаги ўзгаришлар ҳақида гурунглашиб кетдик. Кўп бора кузатганман, бундай гурунгларида сохталик бўлмайди. Уловдаги йўлдошларим қўшни давлатлар билан

борди-келди тиклангани боис, сурхонликлар кўксига шамол текканини гаплашиб кетди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда биргина яхши қўшничилик, дунёга очилик сиёсати бошқа ҳудудлар қатори Сурхондарё иқтисодиёти учун ҳам жуда катта имкониятлар эшигини очди. Масалан, Термиз туманида “Гулбаҳор” чегара божхона пости ва Сариев туманида “Чумчуқлижар” божхона комплекси қайта ишга тушди. Шу орқали Тожикистон, Термиздаги “Айритом” чегара пости қайта фойдаланишга топширилгач, Афғонистон ва Жанубий Осиё давлатлари томон дарвозалар очилди.

► Давоми 4-бетда



ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА АСОС ЯРАТУВЧИ МУҲИМ ТАШРИФ

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар тарихий, маданий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат халқларини ўхшаш миллий урф-одат, анъаналар, маданият ва дин, икки томонлама алоқаларнинг бой тарихи ҳамда минтақавий ҳамкорликдаги умумий манфаатлар бирлаштиради.



Улуғбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқро ишлар, муҳофаа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга шу йил 2-4 июль кунлари амалга оширган давлат ташрифи иттифоқчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янги чўққига олиб чиқди, десак муболага бўлмайди.

Ушбу ташриф нафақат икки давлат, балки минтақа ва дунёда диққат билан кузатиб бориладиган муносабатлар 2024 йилда **иттифоқчилик**, яъни давлат ўртасидаги муносабатларнинг **энг юқори даражасига** кўтарилган.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро ишонач ва дўстликка асосланган муносабатлар 2024 йилда **иттифоқчилик**, яъни давлат ўртасидаги муносабатларнинг **энг юқори даражасига** кўтарилган.

Умуман, 34 йил ичида Ўзбекистон 4 та давлат: Россия (2005 йил), Қозоғистон (2022 йил), Тожикистон ва Озарбайжон (2024 йил) билан иттифоқчилик муносабатларига киришган. Шу фактнинг ўзиёқ Озарбайжоннинг мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги муҳим шериги эканлигидан далolat беради.



Бу — икки халқ ўртасидаги қалбдан яқинлик ва муштараклиқнинг ўзига хос инъикоси ўлароқ қардош халқлар ўртасидаги маданий, санъат, илм-фан ва ишлаб чиқаришни янада яқинлаштириб, амалий ҳамкорлик учун замин яратяди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Озарбайжон яқинлашувида муҳим қадам бўлган ушбу давлат ташрифи **оддий халқ манфаатларига** хизмат қилади. Хусусан, иқтисодиётнинг турли соҳалари, жумладан, энергетика, логистика, саноат ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ҳамкорлик кенгайтиши натижасида янги иш ўринларининг яратилиши, янги бозорлар, энергетик йўналишларнинг очилиши **тадбиркорлар ва фуқаролар учун янги имкониятлар эшигини очди**.

Масалан, 2024 йил ноябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Иқлим саммити доирасида икки мамлакат етакчилари томонидан ишга туширилган, майдони 1,2 гектар, умумий инвестиция қиймати 6,2 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи ҳамда 800 иш ўрнига

ярим йиллиги ҳолатига кўра, 80 миллион долларни ташкил этмоқда. Бу ўсиш — **ўзаро ишонч, бозорлар очқилиги ва биргаликда ривожланишга бўлган қатъий интилиш самарасидир**. Ҳар бир янги иқтисодий кўрсаткич икки давлат халқлари учун яратилган имкониятнинг ифодаси.

Иқтисодий кооперация йилида товар айирбошлаш ҳажми **25 фоизга** ошди. Лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етган. 300 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Навбатдаги давлат ташрифи ҳам бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди. Хусусан, Олий давлатлараро кенгашининг 2-йигилиши давомида товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмининг **йилга 1 миллиард долларга** етказиш имкониятлари атрофича муҳофаа этилди. Натижада **2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш** дастури қабул қилинди.

Марралар катта, ниятлар эзгу. Ишга солинмаган салоҳият ниҳоятда улкан. Бу салоҳиятни рўёбга чиқариш учун ҳар икки

“Марралар катта, ниятлар эзгу. Ишга солинмаган салоҳият ниҳоятда улкан. Бу салоҳиятни рўёбга чиқариш учун ҳар икки томонда ҳам сиёсий ирода, халқ манфаатини устувор қўядиган муштарак интилиш, стратегик қараш ва узоқни кўра оладиган сиёсат мавжуд. Давлатларимиз раҳбарларининг мустаҳкам иродаси ва самимий ҳамкорлик руҳи орқали улкан марраларга эришиш мумкинлиги ўз исботини топиб улгурди.

эга **Хонкенди шаҳридаги қўшма тикувчилик фабрикаси** фаолияти йўлга қўйилди. Бу каби лойиҳалар Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириши билан бирга, хорижда ҳам юртимиз ишлаб чиқарувчиларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу орқали ҳар икки қардош давлатлар фуқаролари учун яратилган иш ўрни, мамлакат учун геониктисодий таъсир воситасига айланмоқда.

Умуман, охириги 5 йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан ошиб, 2024 йил охирига келиб, 253 миллион долларга етди. 2025 йилнинг

томонда ҳам сиёсий ирода, халқ манфаатини устувор қўядиган муштарак интилиш, стратегик қараш ва узоқни кўра оладиган сиёсат мавжуд. Давлатларимиз раҳбарларининг мустаҳкам иродаси ва самимий ҳамкорлик руҳи орқали улкан марраларга эришиш мумкинлиги ўз исботини топиб улгурди.

Ташриф давомида ушбу маррага эришиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича бир қатор муҳим дастур ва режалар қабул қилинди. Хусусан, 2030 йилга қадар **товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури**, 2025-2026

йилларга мўлжалланган **саноат кооперацияси дастури**, 2025-2027 йилларда **қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти** соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси қабул қилиниши айнан иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, савдо-сотикни соддалаштиришга хизмат қилади. Зотан, ҳар бир йўналиш — саноатдан тортиб, озиқ-овқат хавфсизлигигача халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Учинчидан, экология, ижтимоий ҳимоя ҳамда маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, давлат ташрифи давомида қабул қилинган **Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2025-2027 йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси экология ва ижтимоий ҳимоя йўналишларидаги ҳамкорликни кучайтириш имконини беради.

Таълим ва фан соҳасида тажриба алмашиш, туризми ривожлантириш каби соҳаларда ҳамкорлик самарали олиб боришмоқда. Ташриф давомида Фан, касб-ҳунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши ушбу йўналишда ишларнинг жонланиши, хусусан, дуал таълим, таълимни рақамлаштириш, фан ва бизнесни ўзаро яқинлаштириш, ўзаро боғлаш масалаларида манфаатли ҳамкорликка замин яратмоқда.

Энг муҳим жиҳати шундаки, **бутун қўйилган илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик асослари — келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган стратегик сармоядир**.

Бу ҳамкорлик икки мамлакат ёшлари — талабалар, тадқиқотчилар ва устозлар учун янги билим олиш, илмий салоҳиятини ошириш, тажриба алмашиш ва дунёқарашни кенгайтириш, пировардиди халқларимиз келажакни боғловчи маърифий кўприкнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Бу, аввало, **жамиyat тараққиётининг асосий локомотиви — билим, тажриба ва юксак салоҳиятли мутахассислар ўртасидаги ҳамкорлигининг** йўлга қўйилиши истиқболда юқори технологияли иш ўринлари, рақобатбардор иқтисодиёт ва маърифатли жамиятни шакллантиришга пойдевор бўлади.

Эътиборлиси, дунё миқёсида ишонч инқирози, геосиёсий таранглик ва хавфсизлик муаммолари тобора авж олаётган бутунги таҳликали шароитда бундай самарали ҳамкорлик тадбирларининг амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу шароитда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар нафақат икки томонлама, балки **Марказий Осиё, Кавказ минтақалари ва умуман, Евроосиё маконида барқарорлик, фаровонлик ва ривожланиш** таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бу муносабатларнинг изчил мустаҳкамланиши келгусида давлатларимиз ва икки минтақа учун катта имкониятлар эшигини очади.



НАМАНГАН — ТАДБИРКОРЛАР ЮРТИ, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС МАРКАЗИ



Икромхон НАЖМИДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси Наманган
вилояти бўлими раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

➤ Бошланиши 1-бетда

Вилоятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга энг тўғри ва холисона баҳони давлатимиз раҳбари 2023 йил 3 февраль куни Наманганга ташрифи чоғида берган эди: **“Тасаввур қилинг, олти йил аввал дотацияда бўлган вилоят бутунги кунда мустаҳкам даромадга эга бўлди, замонавий саноат ва кучли тадбиркорлар шаклланди. Олдин қилиб айтганда, Наманган ҳеч муболагасиз тадбиркорлар юрти, кичик ва ўрта бизнес марказига айланди”**.

Дарҳақиқат, шундай. Президентимиз ўтган куни Наманган вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисобот билан танишар экан,



бу жиҳатлар яна бир бор эътирофини топди. Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 декабрдаги қарори билан вилоятни 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан катта марралар белгиланган эди. 4,2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 1 миллиард доллар экспорт қилиш, 323 минг иш ўрни яратиш, 55 минг оилани камбағалликдан чиқариш кабилар шулар жумласидан.

Мақсад ва марраларнинг бу қадар катта олингани бежиз эмас. Зеро, Наманганда бунга катта замин бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорлик жадал ривожланмоқда, асосий си, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 82 фоизи шу соҳада фаолият юритиб, рўзгор тебратяпти, орзу-хаваслари рўёбининг кўрмоқда.

Ёки ўзим туғилиб ўсган Янгйўлгонни олайлик. Туманимизда, айниқса, қишлоқ хўжалигида эришилаётган натижалар қувонарли — гектарида 20 минг доллардан юқори даромад. Ингилишда бу жиҳатнинг алоҳида эътирофи этилиши водийлик деҳқонлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиш баробарида, юртимизнинг барча уста миришкорлари учун ўзига хос мотивация бўлди деб ўйлайман.

Асалари мудом гул ширасини қидириб топгани каби инвесторлар ҳар доим сармоясини киритиш учун қўлай жой қидиради. Шу маънода, мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити яратилгани, вилоятимизда тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланаётгани хорижий

инвестицияларни ўзлаштиришда қўл келаяпти. Жумладан, йил бошидан буён вилоятимизга қарийб 1 миллиард 600 миллион доллар инвестиция киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эътирофга, эътиборга лойиқ ишларнинг кўплиги яхши, албатта. Зотан, уларнинг ҳар бири замирида юзлаб, минглаб юртдошларимизнинг фаровонлиги, бутунги яшаётган кундан розилигига эришиш мақсади мужассам. Модомики шундай экан, масалага танқидий-таҳлил назари билан қараб, мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали янада катта натижаларга эришсак, айни муддао бўлади.

Ингилишда қайд этилганидек, жойлардаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун Президентимиз ташаббуси билан ҳудудлар маъмурий ва иқтисодий жиҳатдан ислох қилинмоқда. Наманган вилоятда ҳам мутахассислар, илгор тадбиркорлар ва хорижий экспертлардан иборат “Ислохотлар штаби” иш бошлади. Уларнинг биргаликдаги изланишлари натижасида яна 1 миллиард доллар қийматидаги лойиҳалар шаклланди.

Эътибор беринг, уларни ҳаётга татиқ этиш натижасида 12 мингта иш ўрни ташкил этилади ва бу шунча одам доимий даромад манбаига эга бўлади, камда 30 минг одамнинг турмушида ўзгариш пайдо бўлади, рўзгорига барака, хотиржамлик, фаровонлик киради дегани. Бундан ташқари, ушбу лойиҳалар ҳисобига бюджетта қўшимча 200 миллиард сўм тушум, 160 миллион долларлик экспорт манбаи пайдо бўлади.

Бутунги кунда вилоятимизда 55 минг ишсиз аҳоли, 44 минг камбағал оила бор. Ингилишда уларни бозорда талаб юқори



Дунёда саноатлашмаган соҳа қолмади ҳисоб. Инсоният аллақачон аксарият тармоқларда қўл меҳнати ўрнини саноат ишлаб чиқаришига бўшатиб берди. Аммо бу билан одамлар ишсиз қолмади, аксинча, бутун мамлакатлар иқтисодий ўсиши ҳам, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудлар ривожига ҳам айнан саноат тармоқлари тараққиёти билан боғланмоқда. Дунёдаги тебранишлар шароитида ҳар бир давлат, аввало, энг кўп иш ўринлари яратадиган соҳаларни ҳимоялаш чораларини кўряпти. Бунинг асосий ҳиссасига тўғри келади.

Яққол мисол, бутунги кунда юртимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик соҳаларида 1 миллионга яқин аҳоли ишламоқда. Бошқа тармоқларни ҳам қўшиб ҳисобласангиз, рақамлар каррасига



МАҲАЛЛИЙ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 460 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ



Бобур ҚЎЗИЕВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
бўлим бошлиғи

ошади. Яъни маҳаллий саноат ривожига тобора муҳим заруратга айланмоқда.

Кейинги йилларда айни шу йўналишдаги ислохотлар, хусусан, маҳаллий саноатни модернизациялаш, ички ишлаб чиқариш

салоҳиятини ошириш ва иш ўринлари сонини кўпайтириш ҳаракатлари ўз натижасини кўрсатяпти ҳам. Кўрсаткичлар, рақамлар доимий ўсиб бораётипти. Агар шу йилнинг биринчи чорағидаги таҳлилларни қарасак, юртимизда саноат маҳсулотлари ҳажми 211 триллион сўмни ташкил этган. Ана энди ярим йиллик ҳисобот палласида турибмиз. Бундаги натижалар ҳам бизни қувонтиряпти. Йил бошидан буён Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 460 триллион сўмни ташкил этиши қутилмоқда. Бу дегани, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,3 фоиз ўсишга эришилди.

Мазкур рақамлар бевоcита бошқа иқтисодий кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатади. Айтайлик, бунинг ортидан саноатнинг юртимиз ялли ички маҳсулотигадаги улуши 26,8 фоизга етди. Утган ярим йилликда, айниқса, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, автомобилсозлик, тўқимачилик ва металлургия каби драйвер тармоқларда барқарор ўсиш суръатларига эришилгани кузатилмоқда. Ҳудудлар кесимида Жиззах, Навоий, Хоразм, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари етакчилиги қилиб, юқори ўсиш таъминланди.

Асосий турдаги маҳсулотлар бўйича оладиган бўлсак, йирик корхоналар томонидан 56,7 тонна олтун, 80 тонна қумуш, 24,7 миллион квадрат метр ойна, 7 миллион тонна цемент, 29 миллион квадрат метр гипсокартон, 360 миллион квадрат метр ип-газлама, 438 миллион дона трикотаж маҳсулотлари, 112 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилди. Ушбу маҳсулотларнинг ҳар бири аввалги даврлардагидан кўпроқ ишлаб чиқарилиб, ўсиш қайд этилган. Бу бозордаги савдоларда ҳам акс этапти. Масалан, юртимиз товар-хонамаш бижаси битимлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар ортиб, 82,7 триллион сўмни ташкил этди.

Албатта, ўсиш ўз-ўзидан бўлмайди. Айниқса, саноат тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун аниқ ҳаракат, иқтисодий имконият, зарур инфратузилма талаб этилади. Айни шу масалалар мамлакат даражасида ҳал этилаётгани, юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар, корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар берилиши

